



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 14.01.2022 г. № 246

между Бухоро вилоят "Сувокова" ДУК и Когон шаҳар Бандликка кумаклашиш маркази на общую сумму 224933,80

Глава _____ 141
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860064037109120141001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	54 984,80			54 984,80
Февраль	99 980,40			99 980,40
Март	69 968,60			69 968,60
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	224 933,80			224 933,80

Всего 224933,80 сум

Из вышеуказанной суммы 224933,80 сум или 100 % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в 215000 мес. 2022г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Шадиев Ислам Исмамович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Набиева Н.Х.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

« » _____ 20 г.

« » _____ 20 г.

246 -сонли шартнома
«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 17 » 01 2022 й

Ушбу шартномани «Бухоро сув таъминот» МЧЖ Когон шаҳар булими, кейинги ўринларда «Сув таъминот» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Мустафоев шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Когон шаҳар Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш маркази номидан иккинчи томондан Устав, ишончнома асосида иш олиб борувчи директори И.Шадиев, иштирокида куйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матинда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш _____ нарх бўйича _____ м³ни;
1 м³ ичимлик сув учун _____ сўм (+КҚС 15%), + _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни;
1 м³ оқова сув учун _____ сўм (+КҚС 15%), + _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 224933,80
Шу жумладан, бюджет маблағларидан 224933,80 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Сув таъминот» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Сув таъминот» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Сув таъминот»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1 м³ ичимлик сув учун _____ сўм, 1 м³ оқова сув хизмати учун _____ сўм билан бирга «Сув таъминот» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Сув таъминот» ташкилоти руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, ишшоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Сув таъминот» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланиган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тонфали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Сув таъминот» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнаттириш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни суғориш учун фойдаланилишига куйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда. Сув таъминот ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи ҳўжалик-истеъмол, манший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал ҳўжалиги ташкилоти томонидан таъминланади. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади. объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Сув таъминот» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳўжалигининг қайта таъмирлаш (реконструкцияси), ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Сув таъминот» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Сув таъминот»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қоидалар ва бошқа метёрний ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Сув таъминот» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Куйидагилар «Сув таъминот» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, ишшоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб қўловчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи оқова қудуғи (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Сув таъминот» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегинли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Сув таъминот» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Сув таъминот» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қаида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шаҳсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Сув таъминот» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Сув таъминот» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчиға қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Сув таъминот» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташиқ тармоқларида авария (тегишли қилин. сув босини) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Сув таъминот» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Сув таъминот» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. Шахар сув билан таъминлаш ёки оқова сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Сув таъминот»дан белгиланган тартиб асосида (ДХМнинг хати асосида) Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш ёки оқова сувларни узатиш тармоғининг ва ўзига тегишли шахар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашishi лойиҳасини тақдим этади. «Истеъмолчи» шахар сув ёки оқова сувларни узатиш тармоғига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини ўз зиммасига олади.

3.2.5. «Сув таъминот» ташкилотиға ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни буйниға олади;

3.2.6. Шахар сув тармоғига уланган ҳар бир қувурига сув ўлчаши йнғмаси (сув ўлчаши ва сув тутқич асбоби)ни Қоида асосида қудай ва химояланган жойда, ўрнатиладиган сув ўлчағич шартли ўтказмаси (калибри)нинг диаметри «Сув таъминот»нинг ҳисоб-китоби билан аниқлиниб, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилғич, тегишли руҳсатнома берилғачўрнатиши амалға оширади. Сув ўлчағич йнғмасини харид қилиши ва уни ўрнатиши билан боғлиқ барча сарф харажат «Истеъмолчи» зиммасига бўлиб,у сув ўлчағич қурилмаси, унинг техник соз ҳолати бўйича жавобгар ҳисобланади ва ўлчағични Давлат стандарти қўриғидан ўтказиш сертификатини амал қилиши муддати ўтишидан 1 ой олдин бу ҳақда хабар беради, ўлчағични туриға қараб, ичимлик сувни ҳисобга олиш ускунасини ечиши, қиёслашдан ўтказиши ва ўрнатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги №-698 сонли қарориға мувофиқ юритилади. «Истеъмолчи»ға бу учун 1 ой муҳлат берилади, белгиланган муҳлат ичида қиёсладан ўтказилмаган тақдирда сув сарфи шартномани 6.2 бандиға асосан ҳисобланади.

3.2.7. Истеъмолчи сув ўлчағич йнғмасидаги муҳрларнинг сақланишини назорат қилади ва бузилган ёки сув ўлчағич ишдан чиққан ҳолларда «Сув таъминот»ға зудлик билан ёзма равишда хабар бериши ўз зиммасига олади. Хабар берилмаган тақдирда ёки «Сув таъминот» ҳодимлари томонидан аниқланган ҳолатда сув сарфи белгиланган тартиб асосида ҳисобланади (шартноманинг 6.2 банди). Сув ўлчаши асбоблари «Узстандарт» органлари ёки уларнинг ваколатли қорхоналари томонидан текширилишини, муҳрланишини ҳамда доимий текширувидан ўтишини ўз ҳисобидан таъминлайди. Сув ўлчаши асбобини таъмирлаш ёки алмаштириши, текшириши мақсадида ечиб олишдан олдин «Сув таъминот»сув ўлчағични охириги қўрсатмаларни ёзма тасдиқлайди.

3.2.8. Ичимлик суви таъминотининг ёнғини қариши тизимидан фойдаланиши тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Сув таъминот» ташкилотиға тамаға узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни тамғалаш учун «Сув таъминот» ташкилоти вақилини қақирини шарт.

3.2.9. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида ўз қарори ва буйруғи билан (қелгусида ўзгарган ҳолатида) ички сув етказиш тармоғига, сув ўлчағич асбоблариға ва қорхона ҳисоботларини тақдим этиши учун масуъл бўлган жавобгар шахсини тайинлаб, «Сув таъминот»ға уларни тақдим этади. Истеъмол даври бошланиши ва қелгуси хар йил бошида ойлик сув истеъмол миқдорини «Сув таъминот» билан қелишиб, тасдиқлайди.

3.2.10. «Сув таъминот» вақилини сув ўлчаши асбоби ўрнатилган жойини ва сув тармоғини исталган пайтда бирор бир тускинликсиз қўздан қечириши таъминлаши шарт. Акс ҳолда жорий ой учун сув сарфи шартномани 6.2 бандиға асосан ҳисобланади.

3.2.11. Шахар сув тармоғига ноқонуний улангани, фойдаланилаётган сув ускуналарининг носозлиги ва ўз ҳудудидаги ичимлик сувидан бехисоб, тежасиз сарфлангани учун «қоидалар» асосида жавоб беради.

3.2.12. «Сув таъминот» билан тузилган шартномаға мувофиқ мажбуриятлариға рию қилиши, хар ойнинг 20 дан 25 гача санасида қўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиши ҳамда ушбу қўрсаткичларни «Сув таъминот»ға кечикмаган ҳолда ҳисобот ойда сарфланган ичимлик суви бўйича ваколатли шахслар томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқлаган ҳисоботи топиради, ичимлик сувини етказиб бериши ва оқова сувларни қабул қилиши хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида «Сув таъминот»нинг ушбу шартнома бўйича қўрсатилган бошқа хизмат тўловларини ўз вақтида тўлаб боради. Ҳисобот белгиланган муддатда топирилмаганида шартноманинг 6.2 бандиға асосан ва ёки ундаги маълумотлар қамайтириб қўрсатилган ҳолларда ёса ичимлик сув сарфи ҳисобот даври учун шартноманинг тегишли бандиға асосан қайта ҳисобланиб, тўловға қабул қилинади. Агар ҳисобот тақдим этиши жараёнида, «Сув таъминот» ҳодими унда ҳатодиклар аниқлаб, тузатиши киритиб, нусхасини қайтаради. Истеъмолчи томонидан мазкур ўзгартириши, тузатишлар асосида ўзининг ҳисоботларини 3 кунлик муҳлатда «Сув таъминот»ға қайта тақдим этиши шарт, акс ҳолда бу тузатишлар билан топирилган ҳисобот асоси, ҳақиқий деб ҳисобланишиға олиб қелади ва фойдаланилган миқдор учун тўловни амалға оширилишини талаб қилишиға асос ҳисобланади.

3.3. «Сув таъминот»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Сув таъминот» ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувини узатиши ва оқова сувларни қабул қилиши тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»ға тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Сув таъминот» ташкилоти вақиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги ҳатодикларни бартараф этиши бўйича «Сув таъминот» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Сув таъминот» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувини ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиши ҳамда сувини ҳисобга олиш прибори қўрсаткичларини қайд этиши, пломбаларни ўрнатиши мақсадида қўздан қечириши, белгиланган лимитдан қўп сарф қилинганда сув бериши мувофиқлаштириши ва «Сув таъминот» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариши учун қелганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Сув таъминот» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлантириши тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат қўрсатиши ишлари ўтказилганда, шуниингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалға оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқлариға субабонентларнинг ўзбошимчилик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлариға, қурилмалариға «Сув таъминот» ташкилотидан уланиши учун белгиланган тартибда руҳсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларға рию қилмаганда.

3.3.2. Сув ўлчаши асбобларнинг қўрсаткичини, уларнинг муҳрини сақланишини ва бутунлигини кузатиб боради. Аниқланган қамчиликлар юзасидан «Истеъмолчи»нинг вақили ишгирикда далолатнома тузади ва «Истеъмолчи»ға амал қилиши учун қўрсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юқорида қўрсатилган ҳужжатға қўл қуйишдан бош торғаса, далолатнома нусхаси унга топирилиб, бунда у ўзининг ёзма ёттирозини асослаб 2 кунлик муддатда тақдим этиши шарт, акс ҳолда бир томонлама тузилган далолатнома қонуний ҳисобланиб, мазкур ойда ҳисоб китоб учун ҳисобхонаға тўлов ундиришиға қабул қилинади. Агар қелгусида мавжуд қарздорлик ихтиёрий тўланмаса, ҳужжатлар иктисодий судиға белгиланган тартибда мурожаат қилишиға асос бўлади.

3.3.3. «Сув таъминот» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатиши тўлиқ ёки қисман тўхтатишиға ҳақли:

а) «Сув таъминот» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнғин чиққан жойларға сув узатиши қўпайтиришиға зарурат туғилганда.

3.4. «Сув таъминот»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувини чиқариб юбориши юзасидан шартнома шартларини бажариши;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориши;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориши;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимлариға уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориши, улардан самарали фойдаланиши ташкиллаштиришида истеъмолчиларға амалий ёрдам қўрсатиши;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувини беҳуда сарфининг олидини олиши, саноат қорхоналари ва уларға тенглаштирилган қорхоналарда сув бериши бўйича белгиланган лимитларға рию қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиши;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меёр (лимит)лардан орғиб қетган ҳолатларда «Сув таъминот» ташкилотлариға белгиланган тарифларға нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентни қўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимиға оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартлариға мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчиға пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартлариға рию этилмагани масаласи бўйича суд органлариға мурожаат қилиши;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлари ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиши;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматларини қўрсатишида рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиши ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш қунидан қечикмай огоҳлантириши.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 4.1. «Сув таъминот» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса айбли қилмиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.
- 4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:
- Ичимлик сувни ҳисобга олиш асбоби тамгалари бутлиги, айлиниш чизиғи жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудудда ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;
 - Сув тармоқларига ўзбошимча улашиб олиш, совук сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш асбобларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;
 - Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
 - Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудда жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Сув таъминот» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;
 - Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.
- 4.3. «Сув таъминот» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:
- Амлдаги метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
 - «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда;
 - Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

- 5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.
- 5.2. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.
- 5.3. Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 5.4. «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириниш чораларини кўради.
- Бундай ҳолларда ёнғиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда, уни қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдоридаги тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига ундирилади;
- 5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорида тенг. Марказланган иссеқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорида оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.
- 5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудук, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташиш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Сув таъминот» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.
- 5.7. Сув таъминотининг ҳусусий автоном манбан (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.
- 5.8. Ушбу шартноманинг қуйида келтирилган чораклик, таҳминий истеъмол ва тўлов жадвалида белгиланган миқдордан ошкча ичимлик ва оқова сувлари сарф қилинса, у ҳолда бу ўзгаришлар ёзма тушунтириш билан тасдиқланиб, тўлов амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан шартномада кўзда тутилган миқдордан ошкча сарфи бўйича тўлов, тасдиқланган жадвал асосида эмас, балки Истеъмолчининг сув ўлчагичдан амалда ўтган ичимлик суви миқдорида амалга оширилади (алоҳида жарима қилинган ҳолатларини истисно этган ҳолда) йил якунида ортқича сарфга йўл қўйилса, у ҳолда бу ҳақда ёзма тушунтириш берилиши ҳамда сарф қилинган ичимлик ва оқова сувлари учун амалдаги тарифнинг юқори миқдоридаги тўловларини амалга ошириши лозим.

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 йил бюджет ҳисобидан тулов	224933,80				224933,80

VI. Алоҳида шартлар.

- 6.1. Объект эгаси ўзгарганда, истеъмолчи объектдан чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Сув таъминот» ташкилоти билан далолатнома имзолани шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.
- 6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб, ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги; H – сувнинг метрлардаги босими; t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисоб китоб юритилади:

- 6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ (ёки носоз ҳолатда) бўлган ҳолатларда;
- 6.2.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Сув таъминот»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.2.3. Ичимлик сувида ўзбошимчалик билан улашиб, фойдаланганда;
- 6.2.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув миқдори сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;
- 6.2.5. «Сув таъминот»нинг сув ўлчаш бўғини диаметри қатта бўлганида, уни кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;
- 6.2.6. Сув ўлчаш асбобнинг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;
- 6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Сув таъминот» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Сув таъминот»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:
 - тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Сув таъминот» баланслаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Сув таъминот» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Сув таъминот» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Сув таъминот» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Сув таъминот» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир қуни учун 0,4 фоиз пеня ёзали ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари окизиладиган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқича окизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади. Истеъмолчида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 03 февралдаги №11 сонли Қарори бўйича белгиланган концентрация миқдори ҳақидаги коммунал-экологик норматив ҳужжат бўлиши керак.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган окизишнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдоридан, ортқича оқова сувлар ва ифлослантувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантувчи моддаларни нормативдан ортқича окизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиати муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқаришдаги оқова сувларини қабул қилиш қоидаларига қура, ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортқича окизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, ушбу шартномада ва Қоидада белгиланган муддатда дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади. 2019 йил 1 январдан бошлаб, атроф-муҳитни ифлослантувиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларининг канализация ташланмаларига таалукли қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 25 мартдаги №247 сонли Қарорига асосан ундирилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Сув таъминот»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатига кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар давлат рўйхатидан ўтган ҳудуддаги суд органларида қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (силзила, сув-тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхалда тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

Х. Тарафларнинг юридик манзили:

«СУВ ТАЪМИНОТ»
Бухоро «Сув таъминот» МЧЖ Когон шаҳар бўлими

Манзил: Когон шаҳар
Тел/факс: 52-4-51-03
Х/р: 22638000600309412329
Банк: Ипотека банк Бухоро

МФО: 00088 СТИР: 201513859


«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Когон шаҳар Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш маркази

Манзил: Когон шаҳар Дустлик кучаси
Тел/факс: 65-220-65-38
Х/р: 100022860064037109120141001
Банк: Тошкент Марказий банк
Банк коди: 00014 СТИР: 201108997
газ/х-р: 23402000300100001010

Банк: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХКМ

Банк коди: 00014 СТИР: 201122919
Когон туман газначилик бўлимаси

Рахбар:  И.Шалиев
М.Ў. _____
« ____ » _____ 202_ й.

Рахбар:  Н.Мустафоев
М.Ў. _____
« ____ » _____ 202_ й.

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган, уни имзолаб, амалда фойдаланса бўлади.

« ____ » _____ 202_ й.

Юристоконсулт: 